

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.28.03.2018.Ped.02.05
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЗОҲИДОВА САНОАТ РАХМОНОВНА

**БЎЛАЖАК БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ КАСБИЙ
ИЖТИМОЙЛАШТИРИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ДИДАКТИК ИМКОНИАТЛАРИ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ(PHD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

УДК: 37; 378; 378; 147+17

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of the abstract of dissertation of the doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Зоҳидова Саноат Рахмоновна

Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини касбий ижтимоийлаштириш
жараёнларини такомиллаштиришнинг дидактик имкониятлари 3

Зоҳидова Саноат Рахмоновна

Дидактические возможности совершенствования процессов
профессиональной социализации будущих учителей начальных классов 23

Zokhidova Sanoat Rakhmonovna

Didactic possibilities for improving the professional socialization processes of
future primary school teachers 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 47

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.28.03.2018.Ped.02.05
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЗОҲИДОВА САНОАТ РАХМОНОВНА

**БЎЛАЖАК БОШЛАНҒИЧ СИНОФ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ КАСБИЙ
ИЖТИМОЙЛАШТИРИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ДИДАКТИК ИМКОНИАТЛАРИ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.3.PhD/Ped229 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Самарқанд давлат университетида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз) веб-саҳифанинг www.samdu.uz ҳамда “ZiyoNet” ахборот-таълим порталида www.ziyo.net манзилларига жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: **Эгамбердиева Нодира Мелибаевна**
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Олимов Ширинбой Шарофович**
педагогика фанлари доктори, профессор

Мирсолиева Муҳаббат Тўхтасиновна
педагогика фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот: **Фарғона давлат университети**

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.28.03.2018.Ped.02.05 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй, Тел.: (0366) 239-12-29; факс: (0366) 239-17-14; e-mail: samdu_ped_kengash@umail.uz)

Диссертация билан Самақанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй, Тел.: (0366) 239-11-51.

Диссертация автореферати 2019 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2019 йил «__» _____ даги ___ - рақамли реестр баённомаси).

Х.И.Ибрагимов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

Ш.Р.Ураков
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, п.ф.д (PhD)

Н.Ш.Шодиев
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, п.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳон миқёсида интерфаол таълим парадигмаси, индивидуал ва ижтимоий тажриба рефлексияси асосида диалогик муносабатлар маданияти ва фаол ҳамкорлик билан тавсифланувчи таълим муҳитини ташкил этиш, ўқув ва касбий ижтимоийлашув жараёнларининг ўзаро алоқадорлигини таъминлаш асосида касбий ижтимоийлашувнинг дадактик асосларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, бошланғич синф ўқитувчиларининг касбий ижтимоийлашувининг самарали механизмларини жорий этиш, педагогик-психологик компетенцияларни ривожлантириш долзарб аҳамият касб этади. Шу билан бирга, замонавий шароитда олий таълим жараёнида касбий ижтимоийлаштиришнинг дидактик имкониятларини кенгайтириш орқали бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини ўқувчиларда креативликни шакллантиришга тайёрлаш муҳим ўрин эгаллайди.

Дунёда бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини касбий ижтимоийлаштиришнинг интенсиф технологияларини ишлаб чиқиш, ташкилий-педагогик шарт-шароитларини такомиллаштиришга доир қатор илмий изланишлар амалга оширилмоқда. Олий таълимда ўқитишнинг модулли ва кредит тизимини кенг жорий этиш, бўлажак ўқитувчиларни халқаро баҳолаш дастурларидан оқилона фойдаланиш малакаларини таркиб топтириш, ижтимоий-маданий компетентлиликни ривожлантириш касбий ижтимоийлашувнинг самарали механизми сифатида муҳим аҳамиятга эга. Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини касбий ижтимоийлаштириш жараёнларини такомиллаштиришнинг дидактик параметрларини аниқлаштириш, касбий йўналтирилган таълим мазмунини такомиллаштириш ҳам муҳим долзарблик касб этади.

Мамлакатимизда халқаро стандартлар асосида юқори малакали ўқитувчилар тайёрлашнинг сифатини ошириш, ўқув жараёнига илғор педагогик технологиялар ва ўқув дастурларини кенг жорий қилиш, узлуксиз таълим соҳаси ўқитувчилари ва педагог кадрларини ижтимоий ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилган тадбирлар ўқувчиларнинг таълим олишлари ва ўқитувчиларнинг фаолият юритишлари учун қулай шарт-шароитларни таъминлашга хизмат қилмоқда. Шунингдек, бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини касбий ижтимоийлаштириш жараёнларини интерфаол таълим устуворлиги асосида такомиллаштириш зарурати мавжуд. Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида “Узлуксиз таълим тизими мазмунини сифат жиҳатидан янгилаш, шунингдек профессионал кадрларни тайёрлаш, ўқитиш методикасини такомиллаштириш, таълим-тарбия жараёнига индивидуаллаштириш тамойилларини босқичма-босқич татбиқ этиш”¹ каби муҳим вазифалар белгиланган. Бу эса, бўлажак бошланғич синф

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5712-сон Фармони. – Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06/19/5712/3034-сон, 29.04.2019 й.

ўқитувчиларини касбий ижтимоийлаштиришнинг педагогик-психологик хусусиятлари ва омилларини аниқлаштириш, касбий ижтимоийлашув мазмунини такомиллаштириш, интерфаол таълим стратегиялари воситасида касбий ижтимоийлаштириш механизмларини такомиллаштиришни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 29 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5712-сон Фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ 2909-сон Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бўлажак ўқитувчиларни касбий тайёрлашнинг назарий ва амалий масалалари, педагогик шартшароитларини ишлаб чиқиш, касбий компетентликни ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш масалалари республикамиз олимларидан Х.Абдукаримов, М.Абдуллажонов, Б.Адизов, Ш.Ахроров, У.Бегимқулов, Р.Джураев, Б.Джураева, Х.Ибрагимов, Ш.Мажитова, Ш.Мардонов, Н.Муслимов, Д.Насриддинова, М.Мирсолиева, Ш.Олимов, Б.Рахимов, Ў.Толипов, М.Уразова, Н.Эгамбердиева, Ф.Юзликаев кабилар томонидан тадқиқ этилган.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДХ) олимларидан Н.Абыденова, А.Ажибаева, Е.Борисова, Н.Деменева, И.Макаровская, А.Мороз, С.Петропавловская, Е.Рогов, А.Рызбаева, В.Сластёнин, В.Тарантей, Н.Шепилова, М. Яницкийларнинг тадқиқотларида ўқитувчиларни касбий ижтимоийлашуви, ижтимоий-психологик ва дидактик мослашуви масалалари ўрганилган.

Хорижлик олимлардан J.Arcaro, S.Brown, H.Brown, D.Ciuffetelli, D.Boud, S.Kagan кабиларнинг илмий изланишларида кооператив ва интерфаол таълим шароитида бўлажак ўқитувчиларни касбий ижтимоийлаштиришнинг дидактик технологиялари ишлаб чиқилган.

Бироқ бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини касбий ижтимоийлаштириш жараёнларининг дидактик имкониятлари, интерфаол таълимни ташкил этишнинг шакл, метод ва воситалари алоҳида тадқиқ этилмаган. Ана шу сабабли диссертация мавзуси “Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини касбий ижтимоийлаштириш жараёнларини такомиллаштиришнинг дидактик имкониятлари” тарзида танлаб олинди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг ИТД-4-122 “Юксак маънавиятли шахсни ривожлантириш тарбия технологиясини ишлаб чиқиш” (2009-2011 йй.), ОТ-Ф1-36 “Талабалар маънавиятини диагностика қилиш механизмларини такомиллаштириш” (2017-2020йй.) мавзуларидаги илмий тадқиқотлар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини касбий ижтимоийлаштириш жараёнларини такомиллаштиришнинг дидактик имкониятларини аниқлаштириш, мазкур жараён самарадорлигини оширишга доир илмий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

“бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини касбий ижтимоийлаштириш” тушунчасининг моҳиятини аниқлаштириш асосида мазкур жараёни такомиллаштиришнинг педагогик-психологик хусусиятлари ва омилларини аниқлаштириш;

бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини касбий ижтимоийлаштириш жараёнларини такомиллаштиришга йўналтирилган фаолият тузилмасини ишлаб чиқиш;

бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини касбий ижтимоийлаштиришга йўналтирилган интерфаол машғулотларни лойиҳалаш ҳамда режалаштиришнинг дидактик параметрларини аниқлаштириш;

бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини касбий ижтимоийлаштириш жараёнининг амалий-технологик тизимини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини касбий ижтимоийлаштириш жараёнлари белгиланиб, тажриба-синов ишларига Самарқанд давлат университети, Навоий давлат педагогика институти ва Нукус давлат педагогика институтининг 997 нафар талабалари жалб этилди.

Тадқиқотнинг предмети: бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини касбий ижтимоийлаштириш мазмуни, модели ва дидактик имкониятлари.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида қиёсий таҳлил, педагогик кузатув, ретроспектив таҳлил, моделлаштириш, суҳбат, интервью, тест, педагогик эксперимент, математик-статистик таҳлил этиш усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ижтимоий мослашув ва бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини касбий ижтимоийлаштиришнинг ўзаро алоқадорлик хусусиятлари талаба шахсига таъсир кўрсатувчи социоген ва психоген омилларнинг бихевиоризм ва суггестив педагогик таҳлилига устуворлик бериш асосида аниқлаштирилган;

касбий ижтимоийлаштиришга йўналтирилган фаолият тузилмаси аутоотренингларни синектик моделлаштириш орқали интерфаоллаштириш босқичлари мазмунини белгилаш асосида такомиллаштирилган;

бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини касбий ижтимоийлаштиришга йўналтирилган интерфаол машғулотларни лойиҳалаш ҳамда режалаштиришнинг дидактик параметрлари мазмуни (технологик, креатив, индивидуаллик) синектик тафаккурга йўналтирилган ўз-ўзини таҳлил этиш, рефлексия элементларини киритиш асосида такомиллаштирилган;

имитацион ва ишбилармонлик ўйинларини қўллашнинг ташкилий-методик жараёнлари ўқитувчининг ўқувчиларни матн билан ишлашга ўргатиш фаолиятини семиотик, имитацион ва ижтимоий баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини касбий ижтимоийлаштиришнинг мотивацион, иродавий, амалий босқичлари бўйича ташхислаш ва ривожлантириш методикаси ишлаб чиқилган;

бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини касбий ижтимоийлаштириш жараёнларини такомиллаштиришнинг инфорацион-методик тизими яратилган;

бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини касбий ижтимоийлаштиришга йўналтирилган интерфаол таълим муҳитини шакллантириш бўйича маҳорат дарслари дастурлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндашувлар ва усуллар, унинг доирасида фойдаланилган назарий ёндашувлар расмий манбалардан олингани, эмперик ўрганишлар асосида келтирилган таҳлиллар ва тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик статистик методлар воситасида асослангани, хулоса ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томнидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини касбий ижтимоийлаштиришнинг хизмат қиладиган методологик ёндашувлар, педагогик-психологик хусусиятлари, омиллари, босқичларининг аниқлаштирилганлиги, касбий ижтимоийлашув механизмининг ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини касбий ижтимоийлаштириш модели ва дидактик таъминотининг ишлаб чиқилганлиги, интерфаол таълим муҳитини яратишнинг инфорацион-методик тизимини такомиллаштириш ҳамда бўлажак ўқитувчиларни касбий ижтимоийлаштириш технологияларининг ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини касбий ижтимоийлаштириш жараёнларини такомиллаштиришнинг дидактик имкониятлари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ижтимоий мослашув ва бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини касбий ижтимоийлаштиришнинг ўзаро алоқадорлик хусусиятлари, талаба шахсига таъсир кўрсатувчи социоген ва психоген омилларни

аниқлаштиришга доир таклифлар “110000 – Педагогика” бакалавриат таълим йўналишининг давлат таълим стандарти (“Ўзстандарт” агентлиги, №361998-сон) мазмунига сингдирилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 10 октябрдаги 89-03-35-32-сон маълумотномаси). Натижада бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини касбий фаолиятга тайёрлаш мазмунини такомиллаштиришга эришилган;

касбий ижтимоийлаштиришга йўналтирилган фаолият тузилмасини аниқлаштириш, аутотренинглари синектик моделлаштириш орқали интерфаоллаштириш босқичлари мазмунини белгилаш, бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини касбий ижтимоийлаштиришга йўналтирилган интерфаол машғулотларни лойиҳалаш ҳамда режалаштиришнинг дидактик параметрларини структуралаштиришга оид амалий тавсиялардан ИТД-4-122 рақамли “Юксак маънавиятли шахсни ривожлантириш тарбия технологиясини ишлаб чиқиш” (2009-2011 йй.) амалий лойиҳасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 18 июлдаги 01-02/1-3-227-сон маълумотномаси). Натижада бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини касбий ижтимоийлаштиришнинг инновацион моделларини ва технологияларини такомиллаштиришга хизмат қилган;

имитацион ва ишбилармонлик ўйинларини қўллашнинг ташкилий-методик жараёнлари, ўқитувчининг ўқувчиларни матн билан ишлашга ўргатиш фаолиятини семиотик, имитацион ва ижтимоий баҳолаш мезонларини аниқлаштиришга оид таклифлардан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 24 августдаги 603-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Инновацион таълим технологиялари ва педагогик компетентлик” ўқув модули мазмунини шакллантиришда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 18 июлдаги 01-02/1-3-227-сон маълумотномаси). Мазкур ўқув фанининг жорий этилиши олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизими дидактик таъминотини ривожлантириш, педагог кадрларининг креатив фаолияти самарадорлигини ошириш имкониятини кенгайтирган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 21 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 7 таси республика, 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми: Диссертация таркиби кириш, уч боб, хулоса фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, шунингдек объекти ва предмети аниқланган, тадқиқот ишининг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасида маълумотлар киритилган.

Диссертациянинг **“Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини касбий ижтимоийлаштиришнинг назарий-методологик масалалари”** деб номланган биринчи бобда бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини касбий ижтимоийлаштиришнинг методологик асослари, ижтимоий мослашув бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини касбий ижтимоийлаштириш омили эканлиги, бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини касбий ижтимоийлаштиришнинг амалиётдаги ҳолати баён этилган.

Шахснинг касбий шаклланишини белгиловчи жараёнлар табиатини аниқлаш касбий педагогиканинг асосий вазифаси ҳисобланади. Ушбу жараёнлар моҳиятини қай даражада билиш инсоният фаолиятининг муҳим қирраларидан бири, биологик ва ижтимоий яшовчанлик ҳамда унинг равнақини белгиловчи омил ҳисобланган – ёш авлод тарбиясининг муваффақиятли амалга оширилиш даражасини белгилаб беради.

Тадқиқот объекти сифатида бўлажак ўқитувчиларнинг касбий шаклланиши бу ижтимоий-иқтисодий, психологик-педагогик, технологик ҳамда махсус билимларнинг очиқ, ўзини-ўзи ривожлантирувчи тизими бўлиб, у давр талаби ҳамда тадқиқотлар натижалари асосида мазмунан ўзгариб, узлуксиз равишда мазмунан бойиб боради.

Илмий адабиётларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, касбий шаклланиш қуйидаги усулларда акс эттирилиши мумкин: жараён схемаси асосида (даврлар, босқичлар, даражаларнинг вақт бўйича кетма-кетлиги кўринишида); фаолият тузилмаси тарзида (восита ва усуллар мажмуаси кўринишида, бу ўринда ўзаро таъсирлашув вақт бўйича эмас, қўйилган мақсадга кўра талқин қилинади).

Ижтимоийлашув муаммосини ўрганиш асосида қуйидаги иккита йўналишни алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин: социологик ва ижтимоий-психологик. Социологик йўналиш индивиднинг ижтимоийлашувини ижтимоий муносабатлар тизимига киришиш учун маълум бир ижтимоий хусусиятларни ўзлаштириш билан алоқадорликни, ижтимоий-психологик йўналиш эса, ижтимоийлашувда онтогенез даврида ижтимоий меъёр, маданий қадриятларни ўзлаштириш жараёни акс этишини ифода этади.

Америкалик социолог Н.Смелзер “ижтимоийлашувни ижтимоий ролга мувофиқ келувчи кўникма ва ижтимоий установкаларни шакллантириш жараёни” тарзида аниқлаштирган. Г.Тард жамиятни яхлитликда авлоддан авлодга ўтиб бориш ҳамда қадрият ва установкаларни ўзлаштириш орқали

индивидуал онгинг махсули сифатида талқин этади. Ф.Гиддингснинг фикрича, ижтимоий организмнинг ташкил топишида истисно тариқасида психологик асос ётади, яъни биргаликдаги ўзаро фаолият умумий кадриятлар таркиб топтириладиган ишонч ва тақлид механизми орқали содир бўлади. Жамиятнинг таъсири остида индивидда гуруҳий установакалар, идентив анланганлик таркиб топади. Т.Парсонс эса жамиятни асосий функцияси биологик кўпайиш ва янги авлодни ижтимоийлаштириш йўли билан янгиланиш бўйича маълум бир қодалар тизими асосида рационал ташкил топиш ва мавжуд бўлиш сифатида тасаввур қилган. Француз социологи Э.Дюркгейм ўз концепциясида индивид ва жамиятнинг ўзаро ҳаракати бир томондан индивидуалликни аниқлаб берувчи психик ҳолатлар мажмуидан ташкил топса, бошқа томондан ўз аждодларининг ғоялари, ҳис-туйғулари ва одатлари мажмуини оммалаштирувчи ҳамдир.

Ижтимоийлашувнинг алоҳида йўналиши сифатида касбий ижтимоийлаштиришга доир турли ёндашувларни таҳлил этиш асосида бўлажак ўқитувчиларни ижтимоийлаштиришни яхлит тизим сифатида талқин қилиш ва ҳар томонлама чуқур ўрганиш лозим, деган хулосага келинди. Айнан бўлажак ўқитувчиларни касбий ижтимоийлаштириш долзарб аҳамият касб этиб, ишлаб чиқариш, фан, маданият соҳалари учун инсон капитални тайёрлашнинг истиқболлини белгилаб беради. Бўлажак ўқитувчиларни касбий ижтимоийлаштиришни индивиднинг махсус билимлар, ижтимоий ва касбий кўникмалар, касбий талаблар, кадриятлар, касбий маданиятни эгаллаши, ижтимоий роль ва касб вазифаларини муваффақиятли бажаришига йўналтирилган кўп омилли ва босқичли жараён сифатида кўриб чиқиш ҳамда механизмларини такомиллаштириш мақсадга мувофиқдир (*1-расмга қаранг*).

Ҳар бир касб учун лавозим вазифасини бажаришга имкон берувчи минимал зарурий талаблар мавжуд. Юсак касбий даражани эгаллаш эса, шахсий сифатлар, мотивация ва кадриятлар тизимига боғлиқ. Асословчи тажриба-синов ишлари жараёнида бошланғич таълим ва спорт-тарбиявий иш йўналиши талабаларида касбий сифатларнинг мавжуд ҳолатини аниқлаш мақсадида “Яхши ўқитувчи” методикаси ўтказилди.

Талабаларга яхши ўқитувчи қандай бўлиши лозимлиги ҳақидаги тасдиқларни ўқиш тақлиф этилди. Натижалар қуйидаги мезонлар асосида таҳлил этилди: 15-20 балл – касбий сифатлар шаклланганлигининг юқори даражаси; 10-15 балл – касбий сифатлар шаклланганлигининг ўрта даражаси; 10 баллдан паст – касбий сифатлар шаклланганлигининг паст даражаси.

Асословчи тажриба-синов ишлари натижасида қуйидаги хулосага келинди: касбий сифатлар шаклланганлигининг юқори даражаси – 35 %; касбий сифатлар шаклланганлигининг ўрта даражаси – 45 %; касбий сифатлар шаклланганлигининг паст даражаси – 20 %.




1-расм. Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини касбий ижтимоийлаштириш механизмлари

Талабалар томонидан ҳақиқий ўқитувчига хос қуйидаги сифатлар алоҳида эътироф этилди: ўқитиш методикасига оид билимларга эғалик; ўз касбий фаолиятига масъуллик; иродавий, ижодий, тадқиқотчилик сифатларига эғалик; ишга, болаларга муҳаббат.

Шунингдек, битирувчи курс талабаларининг бошланғич таълим ўқитувчисига хос касбий идентивликка эғалигини аниқлаш мақсадида анкета сўрови ҳам ўтказилди. Анкета сўрови натижалари тажриба-синов ишлари аввалида бўлажак ўқитувчиларнинг касбий ижтимоийлашуви паст даражада бўлиб, замонавий шароитда талабаларда педагогик фаолиятнинг туб моҳияти англамаганлиги ҳақидаги хулосага келинди.

Диссертациянинг **“Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини касбий ижтимоийлаштиришнинг дидактик шарт-шароитлари”** деб номланган иккинчи бобида бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини касбий ижтимоийлаштиришнинг дидактик имкониятлари, бўлажак ўқитувчиларни касбий ижтимоийлаштиришнинг дидактик модели ҳамда интерфаол таълим асосида бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларни касбий ижтимоийлаштиришнинг дидактик тизими ёритиб берилган.

Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини касбий ижтимоийлаштириш дидактик жараёнларни самарали ташкил этиш ва бошқаришни тақозо этади. Ана шу сабабли тадқиқотда “бошланғич синф ўқитувчиларини касбий ижтимоийлаштиришнинг дидактик имкониятлари” тушунчаси аудитория ва аудиториядан ташқари машғулотлар жараёнида талабаларни касбий-педагогик фаолиятга тайёрлаш тизимини лойиҳалаштириш, интерфаол таълимга устуворлик бериш асосида касбий-дидактик мослашувни жадаллаштириш, инновацион компетентликни қарор топтириш мазмуни, самарали шакл, метод ва воситалари мажмуини ўзида ифода этиши ҳақидаги хулосага келинди (2-расмга қаранг).



2-расм. Бошланғич синф ўқувчиларини касбий ижтимоийлаштиришнинг дидактик имкониятлари

Тадқиқотни амалга ошириш жараёнида бўлажак ўқитувчиларни касбий ижтимоийлашувига ёрдам берувчи муҳим дидактик имкониятлар сифатида қуйидагилар аниқланди:

1. Касбий-педагогик фаолиятни дидактик лойиҳалашнинг назарий жиҳатлари: дидактик инновациялар ва ғоялар даражасида янгиликлар киритиш; ўқув жараёнига янгиликларни татбиқ этиш (шакл, метод, воситалар, технологиялар); таълим мазмунига ўзгартириш ва янгиликлар киритиш (таълим дастурлари, лойиҳалар); таълим жараёни сифатини ташхис этиш ва баҳолашнинг замонавий усуллари; инновацион фаолиятни амалга ошириш шакллари: инновацион лойиҳалар ва дастурлар.

2. “Касбий вазифа” тушунчаси ва унинг таълим жараёни мақсади билан алоқадорлиги; анъанавий таълимдаги касбий вазифаларнинг турлари ва кўринишларини таҳлил этиш; янги педагогик тафаккурнинг шаклланиши ва касбий вазифаларнинг ўзгариши; касбий-педагогик вазифаларнинг асосий гуруҳи: таълим жараёнида таълим олувчи шахсини ҳар томонлама тасаввур эта олиши; таълимнинг аниқ бир даражасида мақсадга эришишга йўналтирилган таълим жараёнини ташкил этиш; таълим жараёнининг бошқа субъектлари билан ўзаро ҳамкорлик ўрната олиши; касбий мустақил таълимни лойиҳалаш ва амалга ошириш; педагогик мақсадларга мувофиқ таълимий муҳитни яратиш ва фойдаланиш.

3. Касбий-коммуникацион маданият: мулоқот турлари: коммуникатив стратегия ва тактика; педагогик дискурсни ўзига хосликлари; оғзаки ва ёзма касбий нутқнинг ўзига хослиги; педагогнинг нутқий этикаси; педагогик риториканинг қонуниятлари; касбий мулоқотда юзага келадиган типик тўсиқлар ва уларни ҳал этиш усуллари; касбий коммуникация учун зарур турли жанрдаги материалларни яратиш ва таҳрирлаш кўникмаларини такомиллаштириш; нотиклик маҳорати асослари.

Касбий педагогик жараённинг сифатини ошириш мақсадида ўқитишнинг янги шаклларини топиш, яъни интерфаол таълим стратегияларини қўллаш мақсадга мувофиқдир. Ушбу ўринда фундаментал, хусусан, педагогик ва хусусий-методик билимларни ўзлаштиришда фанлараро уйғунликни таъминлаш масаласини таҳлил этиш учун уларнинг методологик асослари борасида етарли маълумотларга эга бўлиш зарур. Педагогик фанларнинг гуманитар, ижтимоий-иқтисодий, математика ва табиий фанлар ҳамда хусусий-методик фанлар билан ўзаро алоқаси кўп қиррали муаммодир. Шу боис мазкур муаммога назарий, методологик ва амалий жиҳатдан ёндашиш тақозо этилади.

Турли йўналишларга тааллуқли билимлар асосларини интеграциялаш уларнинг фан, таълим, техника, технология, ишлаб чиқариш ҳамда иқтисодиёт соҳаларида рўй бераётган ўзгаришларнинг ижтимоий жиҳатдан асосланишига замин яратади.

Олий таълим муассасалари ўқув режасидан ўрин олган ижтимоий-гуманитар фанлар, педагогик туркум фанлар ҳамда хусусий-методик фанлар интеграциялашиб, педагогик амалиёт жараёнида ўз татбиқини топади.

Бўлажак ўқитувчиларни касбий ижтимоийлашув даражасини замонавий илмий-педагогик билимлар негизда шаклланган психопедагогик ва махсус тайёргарлиги белгилайди. Бўлажак ўқитувчиларни касбий ижтимоийлаштиришдан кўзланган мақсад узлуксиз таълимда педагогик фаолият билан шуғулланувчи шахсларнинг психологик-педагогик тайёргарлигини таъминлашдан иборатдир.

Мутахассис модели – бу таълим соҳасида юзага келадиган муаммоли вазиятларни муваффақиятли ҳал этилишини таъминловчи, маълум сифатларни таърифловчи ҳамда касб эгасининг мустақил билим олиши ва ўзини ривожлантиришини акс эттирувчи андоза ҳисобланади.

Тадқиқот натижалари асосида бўлажак ўқитувчиларни касбий ижтимоийлаштириш моделини яратиш учун касбий зарурий сифатларнинг уч тузилишли таркибий қисмлари аниқлаштирилди: умумий (мутахассис учун); хусусий (аниқ мутахассислик учун – бўлажак ўқитувчи учун); шахсий (аниқ педагогик фаолият тури – бўлажак бошланғич синф ўқитувчилари учун). Мазкур уч блокнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятларига эга ва яхлитликда шахснинг шаклланишига таъсир этади, шу билан бирга шахсий ва касбий сифатларнинг шаклланиши бир қатор омилларга боғлиқ: касбий фаолиятнинг таянч даражаси учун зарур сифатларнинг мавжудлиги; касбий фаолиятга йўналганлик даражаси; шахсий ўз-ўзини англаш, мақсадли касбий фаолиятга йўналганлик.

В.В.Краевскийнинг педагогик тадқиқотлар методологиясига бағишланган тадқиқотида ўқитувчи фаолиятининг тўққиз йўналишини ишлаб чиқилганлиги тадқиқот фаразининг тўғрилигини асослашга хизмат қилди: талабаларнинг талаб ва эҳтиёжларини билиш; фаолият самарадорлигини баҳолай олиш; ўқув дастурларини ишлаб чиқа олиш лаёқатига эгалик; касбий маҳоратга эга бўлиш; маслаҳатчи бўла олиш; коммуникабеллик лаёқатига эга бўлиш; илмий тадқиқот ишларини олиб бориш қобилиятига эгалик; доимий равишда касбий маҳоратни такомиллаштириб боришга эришиш; шахсини маданий жиҳатдан такомиллашувига эришиш.

Тадқиқот жараёнида бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини касбий ижтимоийлаштиришнинг дидактик модели яратилди (*3-расмга қаранг*).

Сўнгги йилларда педагогик-психологик тадқиқотларнинг асосий йўналиши сифатида таълимни инсонпарварлаштириш, шахсга йўналтирилган таълим, ўқитишни индивидуаллаштириш, таълим шакллари оптималлаштириш, таълим оловчиларнинг билиш фаоллигини ошириш, бу жараёндаги ўқитувчининг касбий тайёргарлигини такомиллаштириш масаласига алоҳида урғу берилмоқда.

Интерфаол таълим – бўлажак мутахассислардаги касбий билим, кўникма ва малакаларни ривожлантиришнинг энг самарали шакллари саналиб, унда талабаларда креатив қобилиятларни ривожлантиришнинг муҳим омили бўлган шахс мустақиллиги таъминланади ва ривожлантирилади.

Бўлажак ўқитувчиларни касбий ижтимоийлаштириш субъектлари	
<i>Бевосита иштирокчилар</i>	<i>Иштирокчилар</i>
Талабалар Профессор-ўқитувчилар Раҳбарият Ишчи-ходимлар	Ота-оналар Яқин қариндошлар Дўстлар, тенгдошлар ОАВ вакиллари Мактаб жамоаси



Бўлажак ўқитувчиларни касбий ижтимоийлаштириш омиллари		
Объектив (ташқи)		Субъектив (ички)
<i>Макро даражада</i>	<i>Мезо даражада</i>	<i>Индивидуал даража</i>
<p>Педагогик таълимнинг глобал тавсифга эгаллиги.</p> <p>Педагогик ҳамжамиятларнинг ташкил этилганлиги.</p> <p>Халқаро баҳолаш дастурларининг ишлаб чиқилганлиги.</p> <p>Педагогик касбига талаб ва эҳтиёж</p>	<p>Ахборот-таълим муҳити.</p> <p>Педагогик касбига йўналганлик.</p> <p>ОТМдаги ўқув-тарбия жараёни компонентлари.</p> <p>Бўлажак ўқитувчилар ҳаётининг фаолиятининг микродаражаси билан боғлиқ омиллар</p>	<p>Бўлажак ўқитувчининг касбий нуқтаи назари: ижтимоий ва касбий установкалар; кадриятлар тизими; касбий йўналганлик</p>

3-расм. Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини касбий ижтимоийлаштиришнинг дидактик модели

Интерфаол таълим стратегиялари қуйидагиларни таъминлашга хизмат қилади: юқори даражадаги касбий майлларни ҳосил қилади; билимларнинг

мустаҳкамлигини таъминлайди; талабаларда ижодкорлик ва хаёлни шакллантиради; талабаларнинг мулоқотга киришувчанлигини шакллантиради; талабаларнинг фаол ҳаётий-касбий мавқени эгаллашларига кўмаклашади; талабалар орасида жамоавийлик руҳини вужудга келтиради; талабаларнинг ўзига хосликларини кадрлашларига замин ҳозирлайди; талабаларнинг ўзларини эркин тарзда намоён қилишларига хизмат қилади; талабаларда ўз касбий фаолиятларига урғу бериш кўникмасини таркиб топтиради; талабаларда ўзаро ҳурмат ҳиссини қарор топтиради; талабалар билан профессор-ўқитувчилар орасида демократик муносабатларни шакллантиради.

Интерфаол ўқитиш жараёнининг асосини интерфаол таълим стратегиялари ташкил этади. Интерфаол таълим стратегиялари деганда, профессор-ўқитувчи ва талабаларни бир пайтда фаоллаштиришга хизмат қиладиган ўқитиш шакл, метод ва воситалари мажмуи тушунилади. (4-расмга қarang).



4-расм. Интерфаол таълим стратегияларини жорий этишнинг дидактик тизими

Диссертациянинг “**Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини касбий ижтимоийлаштириш самарадорлиги**” деб номланган учинчи бобида тажриба-синов ишлари мазмуни ва натижалари баён этилган.

Тажриба-синов ишлари қуйидаги уч босқичда амалга оширилди:

1. Асословчи тажриба босқичида бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини касбий ижтимоийлашув даражасининг мавжуд ҳолатини аниқлашга йўналтирилган педагогик фаолият ташкил этилди. Кўзда тутилган мақсадга эришишда кузатиш, суҳбат, анкета сўровлари, шунингдек, ўқув ва

маънавий-маърифий ишлар моҳиятини ёритувчи ҳужжатларни ўрганиш каби методлардан фойдаланилди. Буларнинг барчаси тадқиқотнинг асосий йўналиши ва дастурини муайян даражада аниқлаш имконини берди. Тадқиқот мавзусига оид етакчи олимлар, педагогларнинг илмий ишлари таҳлил қилинди.

2. Шакллантирувчи тажриба босқичида диссертант томонидан тавсия этилаётган кўрсатма, йўриқнома ва методик ишланмалар асосида амалий-методик фаолият ташкил этилди. Бунда талабалар фаолиятини бевосита ва билвосита педагогик кузатиш, улар иштирокида амалий тренингларни ташкил этиш, суҳбат ва анкета сўрови каби методлар ёрдамида талабаларни касбий шакллантиришга қаратилган умумий педагогик таъсир ҳамда мустақил фаолиятни йўлга қўйиш асосида касбий сифатларнинг тарбияланишига катта аҳамият қаратилди. Назарий тадқиқотлар натижасида аниқланган илмий ечимлар интеграцион методик тизимни яратишда амалий қўлланилди ҳамда улар асосида тажриба-синов машғулотлари олиб борилди.

3. Таъкидловчи тажриба босқичида интеграцион модел ва тизимга таянган ҳолда диссертант томонидан тавсия этилаётган методиканинг самарадорлиги, шунингдек, бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларида касбий фазилатларнинг шаклланганлик даражасининг ҳолати аниқланди. Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини касбий ижтимоийлаштиришда умумкасбий ва ихтисослик фанларини ўқитишнинг самарадорлигини янада ошириш борасидаги қилинган ишларни мустаҳкамлаш ҳамда камчиликларни бартараф этишга доир кўрсатмалар, тавсиялар, талабаларнинг касбий ижтимоийлашув даражасини баҳолаш учун мезонлар ишлаб чиқилди. Шакллантирувчи тажриба-синов машғулотлари ўтказилди, тадқиқот натижалари амалиётга татбиқ этилди.

Биз бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг касбий ижтимоийлашуви ва касбий фаолиятга муносабати мезонлари сифатида тўрт баҳоли соҳани аниқлаштирдик: мотивацион, коммуникатив, ташкилий, шахсий-касбий. Сўнгра мазкур соҳалар ривожининг уч даражаси – юқори, ўрта, қуйи даражалар аниқланди. Мазкур мезонлар асосида касбий ижтимоийлашув даражасининг қуйидаги даражаларини ажратиб кўрсатиш мумкин: юқори даража-касбий зарурий сифатларни яхши эгаллаган, касбга йўналган; ўз касбий ривожланишининг кейини ҳақида тасаввурларга эга; ўртача даража-касбий зарурий сифатларнинг таянч даражасига эга, касбга ўртача йўналган, ўз касбий ривожланишининг кейини ҳақида умумий тасаввурларга эга; паст даража-касбий зарурий сифатларнинг ривожланиши суст, касбга паст даражада йўналган, ўз касбий ривожланишининг кейини ҳақида кам тасаввурга эга эканлиги маълум бўлди.

Тадқиқотнинг асосий тажриба-синов ишлари Самарқанд давлат университети, Навоий давлат педагогика институти ва Нукус давлат

педагогика институтида амалга оширилди. Муаммонинг алоҳида жиҳатларини тадқиқ қилишда тажриба-синов учун респондент сифатида танланган ўқитувчи ҳамда талабалар жалб этилди.

Тажриба-синов ишлари жараёнида тажриба гуруҳида диссертант томонидан тавсия этилаётган ҳамда бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг касбий ижтимоийлашувини таъминлашга ёрдам берувчи методика асосида амалий фаолият йўлга қўйилган бўлса, назорат гуруҳларида эса анъанавий тартибда ўқув-тарбия ишлари олиб борилди.

Тажриба-синовда жами 997 нафар талабалар қатнашди. Шундан 517 нафар талаба тажриба гуруҳида ва 480 нафар талаба назорат гуруҳида иштирок этди.


Тажриба аввали ва сўнггидаги умумий натижалар қуйидаги жадвалда ўз аксини топди (1-жадвалга қarang):

1-жадвал


Бўлажак ўқитувчиларда касбий зарурий сифатларнинг шаклланганлик самарадорлигини аниқлаш юзасидан ўзлаштириш натижалари

Муддати	Гуруҳлар	Талабалар сони	Ўзлаштириш даражалари		
			Юқори	Ўрта	Паст
Тажриба бошида	Тажриба гуруҳи	517	178	170	169
	Назорат гуруҳи	480	163	168	149
Тажриба якунида	Тажриба гуруҳи	517	274	186	57
	Назорат гуруҳи	480	163	173	144

Бу танланмаларга мос келган диаграмма қуйидагича кўринишни олади:



4-расм. Тажрибадан олдин



5-расм. Тажрибадан кейин

Олинган натижаларга асосланган ҳолда математик статистик таҳлил қилиниб, тажриба якунидаги ҳолат учун топилган натижалардан ўртача квадратик четланиш, танланма дисперсия, вариация кўрсаткичлари,

Стьюдентнинг танланма мезони, Стьюдент мезони асосида эркинлик даражаси, Пирсоннинг мувофиқлик критерийси ва ишончли четланишлари топилди. Булар қуйидаги жадвалда акс этган:

\bar{X}	\bar{Y}	S_x^2	S_y^2	C_x	C_y	$T_{x,y}$	K	$X_{n,m}^2$	Δ_x	Δ_y
2,01	2,03	Тажриба бошида самарадорликка эришилмаган								
2,42	2,04	0,4636	0,6384	1	2	8,09	949,02	66,32	0,06	0,07

Олинган натижалардан маълумки, тажриба синфидаги ўртача ўзлаштириш назорат синфидагига нисбатан 12,7% га ошганлигини англатади.

Юқоридаги натижаларга асосланиб тажриба-синов ишларининг сифат кўрсаткичларини ҳисоблаганда қуйидагиларга эришилди.

Маълумки $\bar{X}=2,42$; $\bar{Y}=2,04$ $\Delta_x=0,06$; $\Delta_y=0,07$ га тенг.

Бундан сифат кўрсаткичлари:

$$K_{\text{усб}} = \frac{(\bar{X} - \Delta_x)}{(\bar{Y} + \Delta_y)} = \frac{2,42 - 0,06}{2,04 + 0,07} = \frac{2,36}{2,11} = 1,12 > 1;$$

$$K_{\text{одб}} = (\bar{X} - \Delta_x) - (\bar{Y} - \Delta_y) = (2,42 - 0,06) - (2,04 - 0,07) = 2,36 - 1,97 = 0,39 > 0;$$

Олинган натижалардан ўқитиш самарадорлигини баҳолаш мезони бирдан катталиги ва билиш даражасини баҳолаш мезони нолдан катталигини кўриш мумкин. Бундан маълумки, тажриба гуруҳидаги ўзлаштириш назорат гуруҳидаги ўзлаштиришдан юқори экан.

Демак, талабаларнинг касбий зарурий сифатларининг шаклланганлик самарадорлигини аниқлаш юзасидан ўтказилган тажриба-синов ишлари самарадор эканлиги статистик таҳлилдан маълум бўлди.

ХУЛОСА

Педагогик таълим тизимида бўлажак ўқитувчиларни тайёрлаш жараёнида уларнинг касбий ижтимоийлаштиришнинг амалий-технологик тизимини ишлаб чиқилиши муҳим аҳамият касб этади. Ушбу йўналишда олиб борилган тадқиқотнинг мазмуни ва яқунларига таянган ҳолда қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Янгиланиб бораётган жамиятнинг маҳоратли педагог шахсига нисбатан ортиб боровчи талаблари билан ўқитувчилар асосий қисмининг ўз-ўзини ривожлантириб бориш шароитида фаолият юритишга тайёр эмасликлари, педагогик фанларнинг бўлажак ўқитувчиларни касбий ижтимоийлаштириш борасидаги имкониятлари билан бўлажак ўқитувчини

касбий шакллантиришнинг педагогик шароитлари етарли даражада яратилмаганлиги ўртасидаги зиддиятлар ҳал этилмаганлиги қайд этилди.

2. Талаба шахсини ижтимоийлаштиришда педагогик фаолият мақсадлари умумлашган ҳолатда эмас, балки педагогик таъсирнинг ҳам объекти, ҳам субъекти бўлган ҳар бир инсонга нисбатан алоҳида эътибор қаратиш талаб этилади, яъни педагогик вазифаларнинг ҳал этилиши авваламбор тарбия субъектининг индивидуал сифатларига таяниши лозимлиги аниқланди.

3. Бўлажак ўқитувчини касбий ижтимоийлаштиришда мотивацион, иродавий сифатлар, интеллектуал салоҳият, ҳиссий сифатлар, амалий кўникмалар, ўз-ўзини бошқара олиш лаёқатларининг ўзаро боғлиқлиги ва шахснинг ижтимоий-маданий фаоллик даражасини акс эттирувчи индивидуал сифатлари аниқланди.

4. Тадқиқотимиз натижалари умумкасбий ва хусусий-методик билимлар ўртасидаги муносабатлар касбий шаклланишнинг юзага келишида генетик жиҳатдан муҳим бўлган бошланғич асос вазифасини бажариши аниқланди.

5. Бўлажак ўқитувчиларни касбий ижтимоийлаштиришда муҳим аҳамиятга эга бўлган психологик-педагогик, ихтисослик, махсус тайёргарлик мазмунини танлаш ва структуралаш педагогик фаолият, унинг вазифалари ҳамда ҳал этиладиган таълим-тарбиявий масалалар, муносабат усуллари борасида тўлиқ тасаввурга эга бўлиш имконини бериши аниқланди.

6. Педагогик фаолиятни моделлаштириш умумий, хусусий ва аниқ сифатлар негизига қурилиб, унда ўқитувчи раҳбарлигида ва мустақил таълим олиш билан боғлиқ таълим шакллари асос сифатида олинди. Моделда интеграцион методик тизимга таянган ҳолда талабаларда зарурий касбий сифатларни таркиб топтириш механизми очиб берилди.

7. Педагогик тайёргарликнинг мақсади касбий ва шахсий ривожланиш жараёнида талабанинг ўз-ўзини англаш, баҳолаш ва бошқариш каби таркибий қисмларни ривожлантириш ва турли таълим муассасаларида ишлашга тайёрлаш саналса-да, педагогик туркум фанлар асосларини ўрганишнинг асосий мақсади педагогик фаолиятга дидактик ва ижтимоий-психологик мослашувни таъминлашдан иборат бўлиши лозимлигини кўрсатди.

Ушбу диссертация миқёсида олиб борилган тадқиқотларда бўлажак ўқитувчиларни касбий ижтимоийлаштириш муаммосининг барча қирраларини қамраб олиш имкони бўлмади. Бундан келиб чиққан ҳолда бўлажак ўқитувчиларнинг касбий сифатларини шакллантиришни назарий-методик жиҳатдан ишланганлик даражасини янада оширишга қаратилган қуйидаги тавсияларга эътиборни қаратиш лозим деб ҳисоблаймиз:

1. Электрон мажмуаларни яратишда бўлажак ўқитувчиларни касбий ижтимоийлаштиришни инобатга олиш.

2. Бўлажак ўқитувчиларни касбий ижтимоийлаштириш жараёнида педагогика ва хусусий-методик фанларининг интеграцион дастур ва дарсликларини яратиш.

3. Бўлажак ўқитувчиларда ижтимоий рақобат тобора ўсиб бораётган шароитда унга нисбатан бардошли бўлишнинг муҳим шarti эканлиги ҳақидаги тасаввурларни ҳосил қилиш асосида уларда мустақил равишда касбий жиҳатдан ўз-ўзини такомиллаштириш кўникма ва малакаларини шакллантириш.

4. Ижодкор, касбий фаолияти давомида юқори натижаларга эришган ўқитувчилар томонидан тўпланган тажрибаларни оммалаштириш.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
PhD.28.03.2018.Ped.02.05 ПРИ САМАРКАНДСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

ЗОХИДОВА САНОАТ РАХМОНОВНА

**ДИДАКТИЧЕСКИЕ ВОЗМОЖНОСТИ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ
ПРОЦЕССОВ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ СОЦИАЛИЗАЦИИ
БУДУЩИХ УЧИТЕЛЕЙ НАЧАЛЬНЫХ КЛАССОВ**

13.00.01 – Теория педагогики. История педагогических учений

**АВТОРЕФЕРАТ
ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PHD) ПО ПЕДАГОГИЧЕСКИМ
НАУКАМ**

Самарканд – 2019

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2019.3.Phd/Ped229.

Докторская диссертация выполнена в Самаркандском государственном университете.

Автореферат диссертации размещен на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) на веб-странице Научного совета (www.samdu.uz) и информационно-образовательном портале "ZiyoNET" (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: Эгамбердиева Нодира Мелибаевна
доктор педагогических наук, профессор

Официальные оппоненты: Олимов Ширинбой Шарофович
доктор педагогических наук, профессор

Мирсолиева Мухаббат Тухтасиновна
доктор педагогических наук, доцент

Ведущая организация: Ферганский государственный университет

Защита диссертации состоится на заседании Научного совета PhD.28.03.2018.Ped.02.05 от «__» _____ 2018 года в _____ часов. (Адрес: 140104, город Самарканд, Университетский бульвар, дом 15. Тел.: (0366) 239-12-29, факс: (0366) 239-17-14; e-mail: samdu_ped_kengash@umail.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного университета (зарегистрировано за №____). (Адрес: 140104, город Самарканд, Университетский бульвар 15, Тел.: (0366) 239-11-51).

Автореферат диссертации распространен «__» _____ 2019 года.
(Протокол реестра № _____ от «__» _____ 2019 года).

Х.И. Ибраимов
Председатель Научного совета по
Присуждению ученых степеней д.п.н., профессор

Ш.Р. Ураков
Ученый секретарь Научного совета по
присуждению ученых степеней, д.ф.п.н. (PhD)

Н.Ш. Шодиев
Председатель Научного семинара при Научном совете
по присуждению ученых степеней, д.п.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мировом масштабе особое внимание уделяется парадигме интерактивного образования, культуре диалогических отношений на основе рефлексии индивидуального и социального опыта, организации образовательной среды, характеризующейся активным сотрудничеством, а также совершенствованию дидактических основ профессиональной социализации на основе обеспечения взаимосвязи процессов образовательной и профессиональной социализации. Актуальное значение имеет эффективное внедрение профессиональной социализации учителей начальных классов, развитие их педагогических-психологических компетенций. Вместе с тем важное значение приобретает подготовка будущих учителей начальных классов к формированию креативности обучающихся посредством расширения дидактических возможностей профессиональной социализации в процессе образования в современных условиях.

Во всем мире осуществляется ряд исследований по разработке интенсивных технологий профессиональной социализации будущих учителей начальных классов, совершенствованию их организационно-педагогических условий. Важное значение в качестве эффективного механизма профессиональной социализации имеет внедрение в высшее образование модульной и кредитной систем обучения, формирование у будущих учителей навыков рационального использования международных программ оценки. Также важное актуальное значение имеет уточнение дидактических параметров совершенствования процессов профессиональной социализации будущих учителей начальных классов, совершенствование содержания профессионально ориентированного образования.

Осуществляемые в стране меры по повышению качества подготовки высоко квалифицированных учителей на основе международных стандартов, ширкому внедрению передовых педагогических технологий и учебных программ в процесс обучения, социальной защите и поддержке учителей и педагогических кадров сферы непрерывного образования служат обеспечению благоприятных условий для получения образования обучающимися и осуществления деятельности учителей. Наряду с этим существует необходимость совершенствования на основе приоритета интерактивного обучения процессов профессиональной социализации будущих учителей начальных классов. В концепции развития системы народного образования Республики Узбекистан до 2030 года поставлены такие задачи, как “качественное обновление содержания системы непрерывного образования, а также подготовки, переподготовки и повышения квалификации профессиональных кадров; совершенствование методики обучения, поэтапное внедрение принципов индивидуализации учебно-воспитательного процесса”¹. Это

¹Указ Президента Республики Узбекистан УП-5712 от 29 апреля 2019 года “Об утверждении Концепции развития системы народного образования Республики Узбекистан до 2030 года”. – Национальная база данных законодательства, 29.04.2019 г., № 06/19/5712/3034

предполагает определение педагогическо-психологических особенностей и факторов профессиональной социализации будущих учителей начальных классов, совершенствования содержания профессиональной социализации, совершенствования механизмов профессиональной социализации посредством стратегий интерактивного обучения.

Данное диссертационное исследование в определенной степени послужит реализации задач, обозначенных в Указах и Постановления Президента Республики Узбекистан УП-4947 “О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан” от 7 февраля 2017 года, УП-5712 от 29 апреля 2019 года “Об утверждении Концепции развития системы народного образования Республики Узбекистан до 2030 года”, ПП-2909 от 20 апреля 2017 года “О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования” и других нормативно-правовых актах, касающихся данной сферы деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Диссертационное исследование выполнено в рамках приоритетного направления развития науки и технологий республики: I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

Степень изученности проблемы. Теоретические и практические вопросы профессиональной подготовки будущих учителей, разработки его педагогических условий, совершенствования механизмов развития профессиональной компетентности исследованы такими отечественными учеными, как Х.Абдукаримов, М.Абдуллажонов, Б.Адизов, Ш.Ахраров, У.Бегимкулов, Р.Джураев, Б.Джураева, Х.Ибрагимов, Ш.Мажитова, Ш.Мардонов, Н.Муслимов, Д.Насриддинова, М.Мирсолиева, Ш.Олимов, Б.Рахимов, У.Толипов, М.Уразова, Н.Эгамбердиева, Ф.Юзликаев.

Вопросы профессиональной социализации учителей, их социально-психологической и дидактической адаптации исследованы такими учеными стран СНГ, как Н.Абыденова, А.Ажибаева, Е.Борисова, Н.Деменева, И.Макаровская, А.Мороз, С.Петропавловская, Е.Рогов, А.Рызбаева, В.Сластенин, В.Тарантей, Н.Шепилова, М.Яницкий.

В научных исследованиях таких зарубежных ученых, как J.Arcaro, S.Brown, H.Brown, D.Ciuffetelli, D.Boud, S.Kagan разработаны дидактические технологии профессиональной социализации будущих учителей в условиях кооперативного и интерактивного обучения.

Однако дидактические возможности процессов профессиональной социализации будущих учителей начальных классов, формы, методы и средства организации интерактивного образования отдельно не исследованы. Поэтому темой диссертационного исследования избрана следующим образом “Дидактические возможности совершенствования процессов профессиональной социализации будущих учителей начальных классов”.

